

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 21 сентябрь, № 206 (8268)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни ислохотларни янада жадаллаштириш ва натижадорлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Халқимизга яхши маълумки, охириги йиллар мамлакатимизда туб ислохотлар даври бўлди. Кўплаб соҳаларда биринчи навбатдаги муаммолар ҳал этилди.

Хусусан, чет эл валютасининг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Солиқ тизими ислоҳ қилиниб, солиқлар сони камайtirилди. Тадбиркорлик учун имконият кенгайтирилди. Божхона тартиблари соддалаштирилди. Барча соҳаларда ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Кишлоқ хўжалигида бозор механизмларига ўтиляпти. Мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди.

Худудларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича ҳам янги тизимлар жорий қилинди. Таълим ва тиббиётда сифатни ошириш чоралари қўрилмоқда. Умуман, бугунги кунда 100 дан ортқ соҳа ва йўналишларда ислохотлар амалга оширилмоқда.

Эндликда, жаҳондаги тез ўзгарувчан сиёсий-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда, барқарор ўсишни давом эттириш, аҳолининг яшаш тарзи ва турмуш шароитларини янада яхшилаш мақсадида ислохотларнинг кейинги босқичини амалга ошириш зарур. Энг асосийси, бу ислохотларни шомасдан, мантиқий кетма-кетликда ва тизимли қилиш керак.

Шу мақсадда, давлатимиз раҳбарининг 9 сентябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги ташкил этилди.

Йиғилишда мазкур агентлик фаолиятини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилиниб, устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

— Ислохотлар натижасида ижобий ўзгариш бўлиши, одамлар буни ўз ҳаётида сезиши керак. Агентлик бунинг учун устувор ислохотларни аниқлайдиган, уларни ўзаро мувофиқлаштирадиган ва натижадорлигини таъминлайдиган тузилмага айланиши лозим, — деди Президент.

Йиғилишда шу борадаги асосий вазифаларга тўхталиб ўтилди. Алоҳида соҳа ва тармоқларни ислоҳ қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, ислохотларнинг устуворлиги ва мантиқий кетма-кетлигини белгилаш, давлат дастурлари ижросини мониторинг қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш шундай муҳим вазифалардандир.

Масалан, таҳлиллар қишлоқ ва сув хўжалиги, ер муносабатлари, иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, транспорт, коммунал хўжалиги, тиббиёт каби соҳаларда қўйилган мақсадларга эришилганини кўрсатмоқда. Стратегик ислохотлар агентлиги бундай муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, ишни жадаллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилайди.

Иш ўринлари кўпайиши ва аҳоли даромадлари ўсиши учун иқтисодиётнинг устувор тармоқларини аниқлаш ҳам жуда муҳим.

Шу боис давлатимиз раҳбари аҳолининг барча қатламларига ижобий таъсир қиладиган ислохотларни аниқлаб, «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма берди. Бунда аҳолидан энг кўп муружат бўлаётган соҳаларга эътибор қаратиш, улар бўйича нимага эришилиши ва халқ нима манфаат кўришини аниқ кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

Устувор соҳаларни ислоҳ қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари ҳамда халқаро экспертлардан иборат Лойиҳа гуруҳларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кун Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки мамлакат етакчилари яқинда Тожикистон — Қирғизистон чегарасида рўй берган фожиали воқеалар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Давлатимиз раҳбари инсонлар қурбон бўлган муносабати билан чуқур ҳамдардик билдирди. Вазиятни нормаллаштириш юзасидан келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд

саммитининг асосий яқунлари ва унинг доирасида ўтказилган икки томонлама учрашув юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражадаги тадбирлар давомида қабул қилинган, энг аввало, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини тайёрлашни тезлаштириш ва илгари суриш бўйича қарорларни тез фурсатда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ БЎЛАЖАК ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаровнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Қирғизистон — Тожикистон чегарасида яқинда юз берган фожиали воқеалар юзасидан фикр алмашилди. Президентимиз қурбон бўлганларнинг оилалари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдирди ҳамда вазиятнинг авж олишини тўхтатиш бўйича икки томонлама келишувларга эришилганини чин дилдан олқилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида

ўтказилган тадбирларнинг сержмақсул яқунларини муҳокама қилдилар.

Устувор йўналишлардаги кооперация лойиҳалари бўйича келишувларни рўйга чиқариш, шу жумладан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Бўлажак олий даражадаги, минтақавий тузилмалар доирасидаги учрашувларга тайёрликнинг бориши ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиздаги иқтисодиёт ва бошқарувни ислоҳ қилиш доирасида эришилган натижалар ва бу борадаги келгуси режалар кўриб чиқилди.

Маслаҳатчи Чакрабарти Ўзбекистон етакчисини Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити муваффа-

қиятли ўтказилгани билан табриклаб, Президентимиз томонидан илгари сурилган Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббусини юксак баҳолади.

Давлатимиз раҳбари устувор йўналишлардаги янгиланишлар-

ни биргаликда пухта тайёрлаш ва кейинчалик амалга ошириш жараёнини давом эттириш зарурлигини таъкидлади. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, давлат бошқарувини трансформация қилиш ва самарадорлигини кучайтириш,

жамиyat ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштириш, қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, янги кадрларни тайёрлаш шулар жумласидан.

Сума Чакрабарти ушбу масалаларда Ўзбекистон Ҳукуматига бундан буён ҳам фаол қўмақлашишга тайёрлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Сума Чакрабарти Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланишидан аввал саккиз йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

Ў.А.

САМАРҚАНД САММИТИ — ЎЗБЕКИСТОН ШҲТГА РАИСЛИГИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНИ



Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити яқунлари, шунингдек, мазкур форумда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар чет эл ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дунё нигоҳи

Чжан ЧЖИФЭН, Циндао университетининг Халқаро стратегик иқтисодиёт институти директори (Хитой):

— Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi раислиги ШҲТ тарихига кирди, чунки у ташкилотни ривожлантириш

ва унинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистон раислигида 80 га яқин тадбирлар бўлиб ўтди. Бу тадбирлар сиёсат, хавфсизлик, савдо-иқтисодиёт, маданий-гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги умумий интилишларни мустаҳкамлашга қаратилди.

Шунингдек, ШҲТнинг Са-

марқанд саммити арасида бўлиб ўтган муҳим тадбирларда ташкилот доирасидаги қатор келишувларга эришилди. Улар орасида ташқи ишлар вазирлари йиғилиши, хавфсизлик кенгашлири котиблари йиғилиши, муҳофа вазирлари йиғилиши, ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирлари йиғилиши, Банклараро бирлашма йиғилиши, минтақалар раҳбарлари форуми, аёллар форуми, ШҲТ иқтисодий форуми ва бошқалар бор.

2

Сенат Кенгашида

ДАВЛАТ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИДА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлисида давлат мактаб-ғача таълим ташкилотларида овқатланишни ташкил этиш тизимидаги муаммоларни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, 2017 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Мактабғача таълим вазирлиги ташкил этилди. Сўнгги йилларда амалга оширилган кўплаб ишларнинг натижаси бугунги кунга келиб кўзга ташланиб турибди.

Хусусан, 2017 йилда республика бўйича жами 5 211 та мактабғача таълим ташкилоти фаолият юритган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 28 мингдан кўпроқни ташкил этмоқда. Мазкур муассасаларда бола қамрови 708 минг нафардан қариб 2 миллион нафар (69,4 фоиз)га етди. 2022 йил 1 январь ҳолатига

кўра, мамлакатимизда 6 300 та давлат мактабғача таълим ташкилоти фаолият кўрсатиб, уларда 1 миллион 276 минг бола қамраб олинган. 1 185 та давлат мактабғача таълим ташкилотидида овқатланиш аутсорсинг усулида ташкил этилган бўлса, 5 145 таси ўз ошхонасига эга.

Сенат Раиси тизимдаги ютуқлар билан бирга, қатор камчиликларни ҳам санаб ўтди.

Таъкидланганидек, болаларни аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этишда қатор жиддий камчиликлар мавжуд. Масалан, уларни назорат қилиш механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, овқатлантириш тизимида инсон омилининг юқорилиги коррупциянинг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

3

Парламент ҳаёти

АЙРИМ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ КУН ТАРТИБИДАН ЧИҚАРИЛДИ. НЕГА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада ривожлантириш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Айрим ҳужжат лойиҳалари янада такомиллаштирилиши зарурлигидан келиб чиқиб, кун тартибидан чиқарилди.

Пробация соҳаси қонун билан тартибга солинади

“Пробация тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ниҳоятда қизғин кечди.

Қайд этилганидек, мазкур лойиҳада пробациянинг вазифалари, шакллари ва принциплари, пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби, шу жумладан, пробация хизматининг тизими, ҳисобдорлиги, ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, пробация хизмати фаолиятига қўмақлашиш, қўлаб-қувватлаш ҳамда ушбу фаолиятни назорат қилиш тартиби назарда тутилмоқда.

Ҳужжатга келгусида суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш, озодликни чеклаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва мажбурий жа-

моат ишлари жазоларини ижро этиш, шунингдек, шартли ҳукм қилинган ва давлат ўташдан мuddатидан илгари шартли озод этилган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан назоратни тартибга солувчи ягона қонун сифатида қаралмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя этиш кўникмасини ўстириш, уларни ижтимоий шартли озод этиш юзасидан таъсирчан ва самарали тизим яратилишига эришилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси учинчи ўқимда қабул қилинди.

3

Муносабат

ТАРАҚҚИЁТГА, ДУНЁДА ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида давлатимиз раҳбари тузилма доирасидаги кўп қиррали шерикликнинг долзарб масалалари юзасидан аниқ тақлифлар ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва очилгини, кенг халқаро ҳамжиҳатликка йўналтирилганини сақлаб қолиш, хавфсизликнинг яхлитлиги таъминини риоя қилиш муҳимлиги ҳамда Марказий Осиё бундан буён ҳам ШҲТнинг маркази, яъни “географик ядроси” бўлиб қолиши кераклиги билдирилди.

2

САМАРҚАНД САММИТИ – ЎЗБЕКИСТОН ШҲТГА РАИСЛИГИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНИ

Эътиборли жиҳати, жорий йилда Ўзбекистонда ШҲТ тадбирлари географияси кенгайгани ҳолда кўплаб ҳудудларни қамраб олди — тадбирлар Нукус, Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўтказилди.

ШҲТнинг бундан олдинги саммитларида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан минтақада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида илгари сурилган ташаббусларни босқичма-босқич амалга ошириш ўзбек дипломатиясининг ташкилотга раислик доирасидаги энг муҳим муваффақияти бўлди.

Самарқанд шайхиди бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши Ўзбекистоннинг ШҲТга раислигининг муваффақиятли натижаси ва нафақат минтақада, балки бутун дунёдаги сиёсий воқеа бўлди, деб айтишни истар эдим.

Ишончим комилки, саммитда қабул қилинган Самарқанд декларацияси, Узоқ мuddатли яхши кўшнчилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга оширишнинг комплекс режаси, Ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича ҳамкорлик концепцияси, Саноят кооперациясини рағбатлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар ташкилотнинг янада изчил ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги жуда самарали ва салмоқли бўлди, деб ҳисоблайман.

Марита ФОСС, “Diva International” журнали бош муҳаррири (Швейцария):



— Аввало, Ўзбекистонни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити муваффақиятли ўтгани билан табриклайман.

Минтақа Женева ва Европада нисбатан узоқда жойлашганига қарамай, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитини катта қизиқиш билан кузатиб бордик. Биз ШҲТнинг минтақавий ташкилотдан глобал тузилмага босқичма-босқич ўтаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. “ШҲТ оиласи”ни кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар ана шундай ўзгаришлардан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқи давомида бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Мен бу ташаббусларни бугунги кунда дунё дуч келётган муаммоларни бартараф этишга, хусусан, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, транспорт коммуникациялари, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатиш каби соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви арафасида эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: Ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳам-

корлик” сарлавҳали концептуал мақоласини диққат билан ўқиб чикдим ва уни “Diva International” журналининг ахборот ресурсларида катта мамнуният билан эълон қилдик. Ушбу мақола европалик ўқувчиларга минтақангизда содир бўлаётган жараёнлар билан ақидан танишиш имконини беради.

Женевада жойлашган халқаро ташкилотлар нуктаи назаридан, Президент Шавкат Мирзиёев аниқ таъкидлаган муҳим фикрлардан бири хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиш учун конструктив мулоқот орқали кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлиги таҳсинга сазовор, деб биланам.

Айниқса, Ўзбекистон раҳбарининг халқаро ҳамкорликка даъвати дунёда тинчлик ва хавфсизликни, тараққиёт ҳуқуқини таъминлаш ва кўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган 2030 йилгача Барқарор ривожланиш дастурига тўлиқ мос келишини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Саммитини онлайн платформа орқали кузатган бўлсам-да, қадимий ва тарихий аҳамиятга эга Самарқанд шаҳрида ушбу нуфузли анжуманининг бундай юксак савияда ташкил этилган ва муваффақиятли ўтгани ишонч ҳосил қилиш қийин эмас эди. Ўзбекистонни ана шундай муҳим ва юксак даражадаги саммит муваффақиятли ўтгани билан яна бир бор табриклайман.

Ҳолид Ақром ТАЙМУР, халқаро муносабатлар ва хавфсизлик масалалари бўйича эксперт (Покистон):

— Ушбу саммитни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўта юксак даражада амалга оширилганига гувоҳ



бўлди. Саммитга меъзонлик қилиш учун Самарқанд шаҳри танлангани ўзгача руҳ бағишлади.

Самарқанд саммити минтақанинг барча давлат ва ҳукумат раҳбарларини ўз атрофида жамлади ва бирлаштирди. Бу пандемиядан кейинги илк йилки, юзма-юз учрашуви бўлди.

Ўзбекистон раҳбарияти саммитга мисли қўрилмаган тарихий ёндашувини намойён қилди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Самарқанд декларацияси эса чинакам тарихий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини ушбу муҳим анжумани муваффақиятли ўтказгани билан табриклаймиз.

Правеш ГУПТА, Вивикананда халқаро жамғармаси тадқиқот марказининг катта илмий ходими (Ҳиндистон):

— Кўнча Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон жорий йилда ушбу ташкилотга раислик қилди. Шу давр мобайнида хавфсизлик масалалари ва сийosat, шунингдек, маданий, иқтисодий ва савдо сингари муҳим йўналишларда долзарб ташаббуслар илгари сурилганига гувоҳ бўлдик.

ШҲТнинг бу йилги саммити нафақат Евроосиё минтақасида, балки бутун дунёда шиддат билан ўзгариб б-

раётган геосийосий вазият жиддий оқибатларга олиб келаётгани туфайли жуда муҳим аҳамият касб этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бир қанча муҳим ва долзарб масалаларни кўтарди. Уларнинг иккитаси — аъзо давлатлар учун махсус иқтисодий зона иттифоқини ташкил этиш ва Афғонистонга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус жамғарма шакллантириш ташаббусларини жуда долзарб, деб ўйлайман. Бу ташаббуслар минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш нуктаи назаридан юксак аҳамиятга эга.


Эроннинг ШҲТга тўлақонли аъзо бўлишини назарда тутуви мажбуриятлар тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши ва Беларусининг келгуси йилда ШҲТга янги доимий аъзо сифатида қўшилиши жараёни бошлангани эълон қилиниши ҳам муҳим воқеа бўлди.

Яна бир долзарб масала таъминот заңжирини билан боғлиқдир — логистика учун муқобил йўналишларини излаш ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга ҳам келишиб олинди.

Саммитдан сўнг ШҲТга раислик Ҳиндистонга ўтмоқда ва бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада рағбатлантирувчи омил бўлади, деб ўйлайман. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ШҲТ ва Евроосиё истиқболлари доирасидаги шерикликни кенгайтириш учун минтақаларни кўприк сифатида ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

«Дунё» АА.

ТАРАҚҚИЁТГА, ДУНЁДА ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Шу мақсадда кўп қиррали алоқаларнинг барча жаҳасини қамраб олиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини узоқ мuddатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш беришга қаратилган дастурий ҳужжат, яъни ШҲТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш тақлифи илгари сурилди.

Мазкур тақлифлар асосида ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ мuddатли яхши кўшнчилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномасини амалга ошириш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режаси қабул қилинганлиги алоҳида эътиборга молик. Бу кўп томонлама шерикликнинг янги йўналишларини белгилаш ҳамда аъзо давлатлар сайёҳ-ҳаракатларини бирлаштиришда аниқ мuddаодир.

Яна бир аҳамиятга молик жиҳати шундан иборатки, саммитда минтақа иқтисодиётига ўта зарур бўлган масалага шарт берилди. Яъни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битим имзоланди. Бу ташаббус асосида Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши лойиҳасини ҳам кўллаб-қувватлаш чакирғи янгради. Сабаби ушбу лойиҳалар аъзо давлатларнинг Ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш, савдо ва инвестицияни кўпайтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ўта муҳим саналади.

Ўзбекистон томонидан Афғонистон масаласига ҳам эътибор қаратилди. Президентимиз таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш ШҲТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим. Афғон халқи яхши кўшнчилик ёрдамига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож.

Шулардан келиб чиқиб, Афғонистонни гуманитар кўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонд таъсис этиш тақлиф қилинди. Фонд маблағлари мазкур мамлакатдаги ижтимоий инқирозни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ўзбекистон раҳбари Самарқанд қадим-қадимдан Шарқий Осиёдан то Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Европачага бўлган маконда яшайдиган халқлар ўртасида маънавий, иқтисодий, маданий ва илмий алмашувларнинг маркази бўлиб келганига ҳам айтиб ўтди. Шу маънода, умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси эътиборга молик. Зеро, барча ташаббуслар умумий келажакка берадиган бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндашув ва қарорларни излашга тайёр, “Самарқанд руҳи” тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал мулоқотга ундагани билан янада аҳамиятландирди.

Ишонимизки, Самарқанд саммитида қабул қилинган ҳужжатлар, илгари сурилган тақлиф, ташаббус ва ғоялар мамлакат ва халқларнинг тараққиёти ҳамда фаровонлигини таъминлайди, минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашда дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЙИРИК ДИПЛОМАТИК ВОҚЕАСИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити йилнинг энг йирик дипломатик воқеаси ўлароқ тарихга кирди.

Аввало, ушбу анжуман ҳозирги мураккаб бир даврда, дунёда кечаётган тўқнашув ва зиддиятлар, инқирозлар олами юнбўшга солаётган, геосийосий, иқтисодий турбулентлик, экологик таназзул, давлатлараро ишонсизлик тобора авж олаётган шароитда ўтказилганидан ташқари, хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг ягона йўли сифатида Ўзаро мулоқот ва тарафларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этганлигини айтиш зарур.



Президентимиз томонидан таъкидланганидек, а т р о ф и м и з д а бўлаётган воқеалар фондида ШҲТ зиммасида шерикликнинг янги кўллаб устувор вазифаларини биргаликда ҳал этиш масъулияти турибди. Шу маънода, Ўзаро зиддиятда бўлиб турган давлатлар раҳбарлари бир стол атрофида тўпланиши, Ўзаро манфаатли масалаларни муҳокама қилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, Самарқанд саммити иштирок этувчи давлатлар учун икки томонлама ёки уч томонлама форматларда муҳим учрашувлар ўтказиш учун қулай майдон вазифасини ўтади.

Самарқанд саммити кун тартибидagi экологик муаммолар алоҳида долзарблик касб этди. Давлатимиз раҳбари экологик таҳдид ва хатарлар ортиб бораётганини таъкидлаб, ШҲТнинг Иқлим кенгашини тузиш тақлифини илгари сурди. Ушбу механизм “яшил тараққиёт”, чуланиш ва тупроқ таназзулига қарши курашиш, экологик лойиҳалар, жумладан, Оролбўйи учун инновацион ечимлар ва моливий маблағлар жалб қилишга кўмаклашди.

Кургочилик йил сайин авж олаётган, ҳар йили миллионлаб унмдор ерлар қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетаётган, энергия танқислиги ортиб бораётган, табиий ресурсларнинг туби кўриниб қолаётган, биологик хилмаҳиллик кескин қисқараётган, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари аққол намойён бўлаётган бир даврда бундай кенг қамровли тузилмага эҳтиёж жуда катта.

Энг муҳими, ШҲТнинг Иқлим кенгаши таркибида сиёсатчилар, жамоат арбоблари, олимлар ва эксперт-экологлар, бизнес вакиллари бирлаштириш учун махсус Илмий кенгаш тузиш мақсад қилинмоқда.

Шу ўринда ушбу Илмий кенгашнинг асосий вазифаси илмий асосланган ҳолда, иқлим ўзгаришини башорат қилиш ҳамда унинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган аниқ инновацион тақлиф, лойиҳа ва ечимларни тайёрлашдан иборат бўлишини айтиб ўтмоқчимиз.

Бутун дунёда энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошаётганлиги, углеводдордом хомашсини захиралари камайиб бораётганлигини ҳисобга олсак, бу тузилма ташаббуси оқилона бўлганлигини янада тeран ағлаб етамиз. Бу каби салбий ҳолатлар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш миқдосини янада кенгайтиришни, “яшил иқтисодиёт”ни кенг тартиб қилишни тақозо этмоқда. Аяни чоғда самардорлик пайсаиши ва харажатлар ўсишига, атропо-муҳитга салбий таъсир кўрсатишининг охишига олиб келадиган кўп ресурс талаб қиладиган иқтисодиётнинг эски моделини

енгиб ўтиш ҳам жаҳон ҳамжамияти олдига қўндаланг турибди.

“Яшил иқтисодиёт” — бу қайта тикланувчи, ресурстежамкор, чиқитсиз ва камчиқилли технологияларни кенг қўллайдиган, иссиқхона газларини паст даражада чиқарадиган, атропо-муҳит учун хавф камайтирилган ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланувчи иқтисодиётдир. Шу боис уни янада ривожлантириш энг тўғри ечим ҳисобланади.

Кези келганда айтиш керакки, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, шу жумладан, Орол фоҳиасининг салбий оқибатларини камайтириш ва бу минтақани ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан қайта тиклаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим аҳамиятга эга.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Иқлим кенгаши куйидаги вазифалар билан ҳам шуғулланади:

- минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича сиёсий ечим излайди;
- атропо-муҳитни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чораларини кўради;
- ривожланиш дастури ва стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда қабул қилади;
- шу йўналишдаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширади;
- экология соҳасида етакчи экспертлар иштирокчи илмий-амалий форумларни ташкил этади.

Қувонарлики, мамлакатимиз доимо атропо-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида дунё ҳамжамиятига ўрнак бўлиб келган. Ўзбекистон ШҲТга раислик даврида Париж битими доирасида 2030 йилга қадар парник газларни атмосферага чиқаришни қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга содиқ эканлигини, шу муносабат билан “яшил технология”ларни кенг жорий қилиш ва “яшил энергетика” соҳасидаги лойиҳаларни, жумладан, умумий қуввати 100 МВтга тенг Нурота ва Нуробод қуёш станцияларини ишга тушириш орқали шахсий намуна кўрсатди.

Қолаверса, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича мамлакатимизда муҳим қадамлар ташланади. Юртимизда 2026 йилга бориб қуёш ва шамол электр станциялари қувватини 8000 МВтга етказиш орқали қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоқини 25 фоизга етказиш назарда тутилган.

Шубҳасиз, Самарқанд саммитидан кейин ушбу йўналишдаги сайёҳ-ҳаракатларимиз янада жадаллашади.

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР МАҚСАД

Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси тарихий воқеликларга бой бўлди. Сабаби ушбу нуфузли анжуманда дунё миқёсидаги глобал муаммолар, турли таҳдидлар, иқтисодий ва ижтимоий масалаларга оид қатор масалалар муҳокама марказида бўлди.



Саммитда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, дунё миқёсида глобал бўлиб турган муҳим масалалар қатори, озиқ-овқат хавфсизлиги борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамасдан, ШҲТ майдончасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилганига эътибор қаратди.

Аъзо давлатларнинг ўзаро ҳам-жиҳатлиги ва салохияти икки бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини бериши, бундан ташқари, ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга хисса қўшиш кераклиги қайд этилди.

Шу муносабат билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилиб, ушбу ҳужжатда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани яқинлаштириш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликларни жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дас-

турларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, “яшил” ва экспорт-йўлакларини ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш ҳамда ушбу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш тақлиф этилди.

Албатта, Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари 80 дан ортқ мамлакатларга экспорт қилинаётгани эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган барча ташаббуслар сингари ушбу тақлиф ҳам нафақат мамлакатимиз учун, балки дунё миқёсида глобал бўлиб турган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Барно МИРЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

УМУМБАШАРИЙ ТИЛАК, ЕТАКЧИЛИК КУЧИ, БИРДАМЛИК ШАҲДИ МУЖАССАМ БЎЛДИ

Самарқанд замини нафақат минтақамиз, балки халқаро майдонда сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим воқелик — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига тезкорлик қилган барчамизга ғурур бағишлайди. Айтиш мумкинки, Самарқанд саммити ўзгарган ва оламшумул янгиланишлар сари юз тутган, жаҳон бўйлаб шиддатли жараёнларни бошдан кечираётган тарихий тараққиёт кесимиасидан жой олди.



Кайд этиш жоиз, дунёдаги энг йирик минтақавий тузилмагининг асосий анжумани — янги тақлифлар муҳокамаси, ташкилотнинг келгуси ривожланиш стратегиясини белгилаб оладиган халқаро йиғиндир.

Утган даврда Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислигини дунё ҳамжамияти сермаҳсул, деб баҳолади. Ушбу вақт давомида кўллаб аңжуман ва учрашувлар, форумлар янгича мулоқот платформаси сифатида ўзаро савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, саноят кооперацияси, транспорт, коммуникация, логистика тармоғида истиқболли лойиҳалар татбиқ этилди, рақамли трансформация ва “яшил энергетика” каби масалалар кун тартибига чиқди.

Кимдадир савол туғилиши мумкин: эндиликда ШҲТни қандай янги давр кутмоқда? Бунга давлатимиз раҳбарининг “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади” деган ғоясини муносив жавоб ўрнида айтиш мумкин. Зеро, бу эзгу ғоянинг замирида умумбашарий тилак, минтақа халқларининг юрадидаги истак, етакчилик кучи, бирдамлик шаҳди мужассам.

Орта назар ташлайдиган бўлсак, ШҲТ дунёнинг энг ёш тузилмаларидан бири эканлигига қарамай, қисқа давр мобайнида маслаҳат механизми форматидан кенг қамровли давлатлараро бирлашмагача бўлган йўлни босиб ўтди.

Бу куч, бу қудрат, бу энергия, авваламбор, тинчликка, ҳамкорликка, инсониятнинг олдида турган глобал масалаларни оқилона ҳал қилишга интилган Ўзбекистон мисолида намойён бўлди. 2021-2022 йиллар ШҲТ тарихига Ўзбекистоннинг етакчилиги катта ҳарф-

лар билан ёзиб қўйиладиган бўлди. Чунки мамлакат етакчисининг ташаббуслари шунга мос ва муносиб бўлди.

Саммитнинг бандан руҳи билан айнан шу нуктадан ШҲТнинг учинчи ўн йиллик янги босқичи бошланди. Эътиборлики, саммит якуни бўйича ҳамкор давлатларнинг биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатлари 44 та ҳужжатда ўз аксини топди.

Хусусан, ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ мuddатли яхши кўшнчилик, дўстлик ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қондаларини 2023 — 2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси, ташкилотга аъзо давлатларнинг Ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича концепцияси, “ШҲТнинг эзгу ният элиси” фаҳрий унвони тўғрисидаги низом, ҳамкор давлатларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида миллий валюталар улусини босқичма-босқич ошириш бўйича “Йўл харитаси” каби ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этди.

Ҳамкор мамлакатлар ва дўстлик риштасини маҳкам тутган халқларимиз ҳаёти учун асосий нукта — минтақавий ва глобал хавфсизлик, афғон халқи муаммоларига яқдил ёндашув чорлови, иқлим ўзгариши, глобал озиқ-овқат, энергетика, ах-

борот-коммуникация технологиялари хавфсизлиги масалалари Президентимиз ташаббускорлигида муҳокама этилгани ҳам ташкилотнинг халқини ҳамда чин инсоний мақсадларга йўғрилган қиёфасини бутун дунёга очиб намойён этди.

Биз, олий таълим тизими вакиллари кувонтирган яна бир жиҳат, маданий-гуманитар алоқалар доирасида маданиятлараро мулоқот ва ўзаро алмашувнинг янги имкониятлари эшигини очиб бериш мақсадларига қаратилган университет ректорлари

ДАВЛАТ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИДА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ЎРГАНИЛМОҚДА



лумотлар юзасидан тегишли вазирилари билан идора-ларга топириқлар берилди.

— Ҳокимликлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари пасайтириш қайд этилмоқда. Натиджада бу етказиб бериладиган маҳсулот сифати пасайиши ёки ҳажми камайишига олиб келяпти. Туман МТМ мутахассислари, давлат МТТ директорлари ва бошқа ходимлар овқатлантириш билан боғлиқ лавозим мажбуриятларини ҳамда ҳуқуқларини билмайдилар, — деди Танзила Норбоева.

сумга мос равишда овқатлантириш, уларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш мақсадида давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун янги на маъмулий таъминотлар ишлаб чиқиш ва мазкур таъминот буйича бир бола учун сарфланадиган йиллик маблағ миқдорини ҳисоблаш топириқлари берилди.

Бундан ташқари, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасига ишчи гуруҳ йиғилишини ташкил этиш ва уни ўтказиш ҳамда Мактабгача таълим вазирилари билан биргаликда 10 кун муддатда умумлаштирилган тахлилий маълумотларни Вазирилар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Олий Мажлис Сенатига киритиш зарурлиги белгиланди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

МАСАЛАЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, парламент юқори палатасининг ўттиз иккинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Хусусан, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова Қашқадар вилоятда ҳокимлик, мутасадди идора ва ташкилотлар маъсуллари, халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлиари депутатлари, котибати мудирилари ҳамда аҳоли вакиллари билан урчуллар ўтказмоқда.

Мулқотлар давомида Сенатнинг ўттиз иккинчи ялпи мажлисидан ўрин олган масалалар мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда, шу билан бирга, Сенат Кенгаши ва қўмиталарининг қарорлари ҳамда ҳудудларга бириктирилган элчионалар ташаббуси билан илгари сурилган лойиҳалар ижроси, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид ишлар ҳолати, ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга халал бераётган муаммолар ўрганилаётди. Айни чоғда Сенатга келиб тушган мурожаатларни жойида қўриб чиқиш ва уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш чоралари қўриляпти.

ЎРТА ЧЎЛ ҲУДУДИДАГИ ЯЙЛОВЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари Навоий вилоятида тупрок унумдорлигини ошириш ҳамда ер деградациясига қарши курашиш борасида ўрганишлар олиб бормоқда. Бу жараёнда Қизилтепа, Навбахор, Хатирчи ва Қонимех туманларидаги ҳамда ўрта чўл ҳудудидаги яйловларнинг ҳолати кўздан кечирилди.

Кайд этилишича, вилоятда 9 миллион гектарга яқин яйловлар бўлиб, геоботаник тадқиқот, илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Ўздаверлоиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институти Навоий вилояти бўлинимаси томонидан деградацияга учраган ерлар буйича ягона электрон базани яратиш, ер тузиши, ерларни хатловдан ўтказиш, картографик материалларни ишлаб чиқиш, ер деградациясига қарши курашиш ва унинг олдини олиш буйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

ерларда боқилмаган чорва сонини аниқлаш ва уларни алмашлаб боқиш тизимининг ишлаб чиқилганлиги ҳолати ҳам ўрганилмоқда.

Кизилтепада “Янги аср” чорвачилик фермер ҳўжалиги томонидан чўл ҳудудидаги 500 гектардан ортиқ майдон ўзлаштирилиб, ёмғирлатиб сугорили технологияси асосида ем-хашак экинлари етиштирилипти. Бу, ўз навбатида, яйлов ерларини ўзлаштириш, улардан самарали фойдаланиш ва деградациянинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофазалаш, яйлов ўсимликларини эчки ҳамда деградацияга учраган қисминини қайта тиклаш ишларини ташкил этиш, аҳолининг яйловлардан фойдаланишдаги муаммоларини бартараф қилиш, тупроқнинг шўрланishi жараёнини аниқлаш ва уни камайтириш каби масалалар ҳам ўрганишлар объекти ҳисобланади. Қолаверса, ўрмон ва ихота дараклари барпо этиладиган ер участкаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш, иқлим ўзгариши оқибатида содир бўладиган салбий оқибатларнинг олдини олиш ҳамда чўлланшишга қарши курашиш буйича амалга оширилган ишлар сенаторлар эътибор марказида бўлади.

Ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни бартараф қилиш буйича ишчи гуруҳ томонидан тегишли тавсиялар берилмоқда.

Мазкур ўрганиш натижалари Сенат қўмитаси мажлисида муҳокама қилиниши ҳам кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

парламентнинг масъулиятини янада оширади

Жумладан, ташкилотни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотини 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш таклифи билдирилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари бутун дунёда экологик таҳдид ва хатарлар ортиб бораётганини таъкидлаган ҳолда, ШХТнинг Иқлим кенгашини тузишни таклиф этди. Ушбу механизм глобал экологик муаммоларга ечим топиш ҳамда улар учун зарур молиявий маблағларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Мажлисида саммит доирасида эришилган келишувлар кўп томонлама стратегик ҳамкорлиқни янада ривожлантириб, юқори босқичга олиб чиқиш, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда алоҳида ўрин тутиши қайд этилди.

Кунни кеча ўтказилган Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида ҳам ушбу масала атрофлича қўриб чиқилгани айтилди. Сиёсий партиялар фракциялари мамлакатимиз Президентининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни белгилаб олгани таъкидланди.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов “Самарқанд саммити”га олашумул сиёсий воқеали сифатида таъриф берар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси олдида Ўзбекистон Президентининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали концептуал мақоласи ҳамда унинг БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилганига алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур мақоласи ШХТнинг Самарқанд саммити арафасида дунёнинг 35 дан ортиқ мамлакатларидаги 150 дан зиёд хорижий ОАВда ўндан ортиқ хорижий тилларда кенг ёритилгани тузила фаолиятига қизиқиш ва эътиборнинг кучайишига туртки бўлгани эътибор этилди.

Шунингдек, А. Саидов Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даври юксак савияда ўтгани ва “Самарқанд руҳи” ҳамкорлик, ўзаро англашув ва дўстликнинг тимсоли сифатида ташкилотнинг бутун минтақа манфаати йўлида энг жадал ва самарали ривожланишига хизмат қилганини ургулди.

Қонунчилик палатасининг Халқро ишлар ва парламентарисо Дилором Файзиёва ўз сўзида Самарқанд саммити якунлари буйича қабул қилинган Самарқанд декларациясида жаҳон миқёсида инсоният ҳаётидаги барча соҳада бўлаётган ўзгаришлар ва жараёнларга нисбатан олиб борилиши лозим бўлган кенг қўламли чора-тадбирлар кўзда тутилгани, айниқса, ШХТга аъзо мамлакатларнинг қонунчилик органлари томонидан ўзаро алоқаларни ривожлантириш, давлат бошқаруви ва ривожланиш борасида самарали тажриба алмашинувини йўлга қўйиш буйича вазифалар белгилангани миллий парламент вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклашига тўхталди.

“Халқро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси томонидан палатамизда фаолият юритаётган ШХТга аъзо давлатлар парламентлари билан дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари аъзолари ҳамда Қонунчилик муаммоларини ўрганиш ва парламент тадқиқотлари институти билан ўзаро шерикликда глобал ва минтақавий долзарбликка эга бўлиб бораётган барча йўналиш ва соҳаларга тегишли қонунчиликни ривожлантириш борасида келгуси ишларни ўзида мужассам этган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши буйича амалий ҳаракатлар бошланган”, деди Д. Файзиёва.

Мажлисида сиёсий партиялар фракциялари ушбу чуқур мазмун ва моҳиятга эга нутқда халқро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашди ва бу буйича ўз позицияларини билдириб ўтишди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайитовнинг таъкидлашича, ШХТ ўз тараққиётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўймоқда ва унинг зиммасида шерикликнинг қўллаб-қувватлаш ва бу буйича ўз позицияларини билдириб ўтишди.

“Давлатимиз раҳбарининг ШХТнинг 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш тўғрисидаги ташаббусини алоҳида таъкидлаймиз. Ушбу дастурий ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча жабҳасини қамраб олиш, ШХТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилган. Назаримда иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳаларидаги алоқаларнинг амалий таъбирчанлигини ошириш, ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, аъзо мамлакатларнинг махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш, хар йили ШХТ йирк савдо ярмаркасини ўтказиш ва унинг негизда ягона электрон платформа яратиш таклифлари принципий аҳамиятга эга”, деди Ақтам Ҳайитов.

Шунингдек, ЎзЛиДеП дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, давлат раҳбари илгари сурган ташаббусларнинг ҳамда саммит доирасида қабул қилинган келишувлар ва битимларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини ва партия ШХТга аъзо мамлакатлар билан савдо, савдо, транспорт, туризм, рақамлаштириш, хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги келишувларни амалга ошириш борасида ҳукумат билан бирга иш олиб боришни маълум қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси Нодирбек Тилаволдиевнинг фикрича, юқори савияда ўтказилган Самарқанд саммити нафақат Ўзбекистон, балки дунё тарихида ёрқин из қолдирган муҳим сиёсий тадбир бўлди.

“Давлат раҳбарининг халқро майдондаги обрўси, сиёсий иродаси, дипломатик самимияти ва кўп векторли ўзаро ишончга таянган очик ташки сиёсати натижасида мураккаб геосиёсий вазиятга, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч дарз келтирилган пайтда 14 та йирк давлат раҳбарининг иштироки таъминланди ва жуда муҳим келишувларга эришилди. Фракцияимиз аъзолари билан саммит натижаларини муҳокама қилдик. Имзоланган ҳужжатлар орасида ШХТга аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик битими, Музей иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, ШХТ котибияти ва ЮНЕСКО ўртасида Таълим, фан ва маданият масалалари буйича ўзаро англашув меморандуми имзолангани ва айниқса, 2023 йилни Президентимиз

ташаббуси билан “ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили” деб эълон қилинган партиямизнинг дастурий мақсадлари билан ҳамоханг эканлиги барчамизни беҳад қувонтирди”, деди Н. Тилаволдиев.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Зўхра Ибрагимова эса Самарқанд саммитида дунёнинг 14 та мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, 10 та халқро ташкилотнинг қатнашгани мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти олдидаги обрўси ошганидан далолат эканлигини эътироф этди.

“ШХТ доираси кенгаётгани, тинчлик, хавфсизлик йўли билан ривожланиш истагида бўлган, бугунги тахликали замонда турли соҳаларда биргаликда ечим топиб, ривожланишни қўлаётган мамлакатлар қатори қўлаётганлиги, албатта, барчамизни қувонтирди. Самарқанд декларацияси узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қондаларини амалга ошириш буйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс ҳаракатлар режаси ҳамда ШХТ котибияти ва Таълим, фан ва маданият масалалари буйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида меморандум имзоланганлиги ёки ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг энергетик хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги баёнотлари қабул қилингани кўп минг сонли партияимиз электролик ҳуқуқ ва мафатларига ҳамоханг келиши билан аҳамиятлидир”, деди Зўхра Ибрагимова.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Уллубек Иноятов ҳам саммит доирасида илгари сурилган ташаббуслар, қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти юзасидан нутқ сўзлар экан, аввало, кенг қамровли, тарихий Самарқанд саммитининг аҳамияти, унда илгари сурилган ташаббуслар, қабул қилинган қарорлар орасида ШХТга аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик битими, Музей иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, ШХТ котибияти ва ЮНЕСКО ўртасида Таълим, фан ва маданият масалалари буйича ўзаро англашув меморандуми имзолангани ва айниқса, 2023 йилни Президентимиз



ги ислохотларни ривожлантириш, самарадорлиқни ошириш буйича парламент ва депутатлик назоратини изчил йўлга қўйишимиз зарур”, деган таклифни ўртага ташлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Хайрулла Гаффоров эса ШХТ саммити якунлари буйича қабул қилинган Самарқанд декларацияси барча йўналишлар қаторида экология соҳасида ҳам тарихий халқро ҳужжат бўлиб қолишига аҳамият қаратди.

“Эътироф этиш жоиз, мазкур анжуманда имзоланган жами 44 та ҳужжатнинг 11 таси бевосита экология соҳасига оидлиги билан долзарбдир. Жумладан, Иқлим ўзгаришига муносабат буйича қўшма баёнот, қайта тикланувчи энергия манбалари, ўсимликлар карантини, “ақлли” кишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, “яшил иқтисодиёт” буйича қабул қилинган ҳужжатлар нафақат минтақамиз учун, балки бутун дунё мамлакатлари учун бирдек муҳим. Давлатимиз раҳбари ушбу масалага алоҳида эътибор қаратар экан, бу борада ўз таркибиде сиёсатчилар, жамоат арбоблари, олимлар ва эксперт-экологлар, бизнес вакиллари билан биргаликда оладиган ШХТ Иқлим кенгашини тузишни таклиф қилди. Шубҳасиз, бундай формат иқлимга мослашиш лойиҳаларини илгари суриш, чўлланшиш ва тупрок деградациясига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради”, деди Х. Гаффоров.

Мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган барча ҳаётий ташаббуслар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда тинчлик-осойишталик, барқарорлиқни қўлағлашга хизмат қилиши айтилиб, бу борада Қонунчилик палатаси олдида ҳам муҳим вазифалар тургани қайд этилди.

«Халқ сўзи».

АЙРИМ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ КҮН ТАРТИБИДАН ЧИҚАРИЛДИ. НЕГА?

Дарахтларни ноқонуний кесиш ҳолатларига қачон чек қўйилади?

Юртимизда “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасида жорий йил мавсум бошидан ҳозирги кунга қадар 126,4 млн. туп манзарали ва мевали кўчатлар экилди ҳамда бу борадаги амалий ишлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Аммо айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган тажовузор ҳаракатлари, шу жумладан, дарахтларни ноқонуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўляпти.

Хусусан, қимматбаҳо дарахтларни ноқонуний кесиш ҳолатлари 2020 йилда 3 428 тупни, 2021 йилда 4 182 тупни, буталарни ноқонуний кесиш ҳолатлари 2020 йилда 2 724 м², 2021 йилда 3 595 м²ни ташкил этган.

Мажлисида депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида юқоридаги муаммолар ечими ўз аксини топган.

Депутатларнинг айтишича, қонунда таклиф этилаётган янги нормалар дарахтлар ва буталарни қонунга хилоф равишда кесиш, қундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, бу борада жимсоний ва юридик шахсларнинг масъулиятини оширишга ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантиришга асос яратяди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Йўл ҳаракати буйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда

“Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг халқ вакиллари биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Бугунги кундаги йўлларнинг ҳолати охиб бораётган транспорт воситаларининг тирбандликсиз ҳаракатланишини таъминлашга жавоб бермайдилар. Йўл ҳаракати иштирокчилари бўлган транспорт воситалари йўловчилари, пиеда ва велосипед ҳайдовчилари учун йўл ҳаракатини ташкил қилиш тўғри ва тизимли йўлга қўйилмаган.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг асосий принциплари, бу борадаги давлат бошқаруви, автомобиль йўли эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, йўл ҳаракатини ташкил этишга қўйилган умумий талаблар, унинг мониторингини олиб бориш, йўл ҳаракатини ташкил қилиш самарадорлигини таъминлаш каби масалалар белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, тўхтаб туриш жойларига қўйилган талаблар, капитал қурилиш объектларида йўл ҳаракатини ташкил этиш тартиби, уларни амалга оширишда жамоатчилик иштироки, ҳужжатларга қўйилган умумий талаблар, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартиби ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар назарда тутиляпти.

Ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши йўл ҳаракатини ташкил этиш буйича давлат бошқаруви ва ваколатли органлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини яратиш, соҳадаги

фаолиятнинг тизимли ва комплекс бошқарилиши натижасида йўл ҳаракатини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ҳамда тақомиллаштириш, ҳаракат хавфсизлигини юқори даражага кўтаришга асос бўлади.

Ҳисоб палатаси фаолияти тақомиллаштирилиши зарур

Мажлисида қўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти тақомиллаштирилишига муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Мазкур қонун лойиҳасида Ҳисоб палатасининг назорат объекти ҳисобланган ташкилотлар вакиллари асосли эътирозларини ҳисобга олган ҳолда тафтиш, текшириш ва ўрганишга оид назорат тадбирларининг фарқли томонлари очиб берилиб, уларни амалга ошириш механизми белгиланаётди.

Ҳисоб палатасига давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ва бюджет ташкилотларида мол-мулкни ўзлаштириш ҳамда растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-тороҳ қилганлик учун баённома расмиyllaштириш ҳуқуқи берилляпти.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан соҳада очиклиқни таъминлаш мақсадида хар чорақда камида бир мартабада ОАВ вакиллари иштирокида Ҳисоб палатасининг фаолиятига доир ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш амалиёти жорий этилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига тиббий асбоб-ускуналардан ҳам эвазига фойдаланиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норма киритилмоқда.

Шунингдек, молия органларининг акциз солиғи тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўламини ҳамда акциз тўланадиган айрим турдаги товарларнинг акциз марказлари билан тўлиқ тамағланиши, олган акциз марказлари сонининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига мувофиқлиги устидан назорат қилиш ваколати қиқариб ташланмоқда.

Лойиҳанинг қабул қилиниши давлат органлари томонидан назоратни амалга оширишда тақрорийликни камайтиришга, шунингдек, аҳолининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини янада оширишга асос яратяди.

Мажлисида халқ вакиллари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган, уни янада тақомиллаштириш буйича қўллаб-қувватлаш илгари сурилди. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси кун тартибидан чиқарилди.

Эътирозлар ва асосли таклифлар инобатга олинди

Мажлисида “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Унинг қабул қилиниши наркологик касалликка чалинган шахсни ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ташаббусларига қўра мажбурий даволашга йўналтириш, тиббиёт муассасасига жойлаштиришга тўланадиган материалларни тарқоқ ҳолда эмас, балки марказлашган тарзда тиббиёт муассасаларидан олишга имкон беради.

Шунингдек, суд мажлислари видеоконференцалоқа тартибиде ҳам қўриб чиқилиши орқали шахсни даволашига юборишга бўлган вақтни қисқартириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мажлисида халқ вакиллари томонидан қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш буйича бир қатор асосли таклифлар берилди. Қизгин муҳокамадан сўнг, ушбу ҳужжат ҳам кун тартибидан чиқарилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

